



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 26 апрель, № 81 (8704)

Жума Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



КЕЛАЖАК МУҲАНДИСЛАРИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА
МАМЛАКАТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ УЧУН
ЕТЎК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА



Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармасида Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ректори, академик Садриддин Туробжонов ҳамда ёш олимлар, тадқиқотчилар, иқтидорли талабалар иштирокида “Муҳандис кадрлар тайёрлаш истиқболи” мавзусида маъруза ташкил этилди.

Атоқли олим томонидан қилинган маъруза қизгин оқилланди. Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Қизиқарли ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган учрашувда билдирилган таклиф ҳамда тавсиялар асосида келгусида ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар келишиб олинди.

Ҳозирги вақтда дунё бўйича меҳнат бозорига муҳандислик мутахассисликларига талабнинг ошишини кўрмоқдамиз. Президентимиз томонидан қўйилган муҳим вазифаларни мутлақо янги техник даражада ҳал қила оладиган, фундаментал билимларни, лойиҳалаштириш кўникмаларини тўлиқ ўзлаштирган, етакчилик фазилатларига, жамоада ишлаш қобилиятига эга юқори малакали муҳандисларни тайёрлаш бугунги куннинг долзарб масаласи, десак, адашмаймиз.

Нуқтаи назар

Оқил САЛИМОВ,
академик.

Муҳандислик — жамият муаммоларига хавфсиз ечим топиш учун зарур бўлган иншоот, ускуна, мосламаларни таъмирлаш, лойиҳалаштириш учун илмий, математик, иқтисодий, ижтимоий ва амалий билимлар олиш ҳамда қўллаш билан боғлиқ тизимлар мажмуи.

Истаймизми-йўқми, замон ёшлардан компьютер технологияларига оид билимларни пухта эгаллаш ва соҳани мукамал билишни талаб этмоқда. Мамлакатда иқтисодий барқарорликка эришиш, сан-

атни янада ривожлантириш учун бугун технологиялар, айниқса, муҳандислик соҳасига алоҳида урғу берилиши лозим. Таъкидлаш жоизки, муҳандислик соҳаси замонавий санаят тармоқлари учун фойдали бўлган турли технологик асбоб-ускуналар, машиналар, предметларни ишлаб чиқишда иқтисодиётга ўзаро боғлиқ бўлиб касб-хунар сифатида санаят ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан бирга, маҳсулот таннархисини минималлаштирилади.

Муҳандис кадрлар санаят ишлаб чиқариш тармоқлари, технология соҳасидаги жадал инновациялар орқали мамлакат экспорт салоҳиятини кўтаришда, халқаро бозорларга олиб чиқишда, замонавий иқтисодиётнинг ривожланишида катализатор вазифасини бажаради.

Президентимиз 2022 йилги Мурожаатномасида: “...Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашни кенгайтираемиз. Кимё санаяти, электр техникаси, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқаро таш-

килотлар билан бирга алоҳида Муҳандислик мактаблари ташкил қилинади. Бу тизим бизда ҳозиргача бўлмаган. Лўнда айтганда, янги замон инженерлари тайёрлаш тизимини яратамиз”, деган эди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда замонавий иқтисодиётни технологик юксалтириш орқали бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва инсон капиталида ўсиш содир бўлишини илгари суриб келмоқда.



Жараён

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Ўтган давр мобайнида давлат бошқаруви ва жамият ҳаётининг барча соҳасини тубдан ислоҳ этиш, давлат органлари ҳисобдорлиги, очиқлиги ҳамда шаффоқлигини кучайтириш, вакиллик органларининг таъсирчан назоратини йўлга қўйиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилди.

Хусусан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан халқ депутатлари Кенгашларининг назорат функцияларини кенгайтириш мақсадида уларга қирқдан ортиқ қўшимча ваколатлар берилди.

Шу тариқа ҳудудий вакиллик органлари фаолияти самарадорлигини ошириш борасида кенг қўламли ишлар рўйбга чиқарилди.

Бу йўналишдаги ислохотларнинг мантқий давомий сифатида давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган, унинг доирасида “Кучли Кенгаш, ташаббускор ва ҳисобдор ҳоким” та-

моили асосида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган муҳим қадамлар ташланаётганини келтириш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган бўлиб, бу борада муайян саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда.

Хусусан, Олий Мажлис Сенати томонидан мазкур концепция ишлаб чиқишини ташкил этиш комиссияси ҳамда ҳар бир йўналиш бўйича соҳа мутахассисларидан алоҳида ишчи гуруҳлар тузилди.



Семинар

ЁШЛАРГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси томонидан “Ёшларга оид қонунчиликни такомиллаштиришнинг бугунги кундаги долзарб масалалари ҳамда уларнинг ечимлари” мавзусида семинар ўтказилди.

Юртимизда кейинги йилларда ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилиб, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўйбга чиқариш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда оила, болалар ва ёшлар учун алоҳида боб ажратилди.

Давлат ва жамият ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, ўз мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фخرланиш, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғулари шакллантириш тўғрисида гамхўрлик қилиши белгиланди.

Семинар иштирокчилари қайд этганидек, юртимизда соҳада амалга оширилаётган исло-

хотлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ўзгаришлар, ёшлар сиёсати оид фундаментал аҳамиятга эга — “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунни замон талабидан келиб чиқиб такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Қизгин муҳокама давомида иштирокчилар томонидан ушбу ҳужжат янада шиқ-пухта бўлиши, ундаги нормалар ёшлар манфаатларига хизмат қилиши қайд этилган ҳолда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича қатор таклифлар илгари сурилди.

«Халқ сўзи».



Лорд УЗВЕРЛИ,
Буюк Британия парламенти Лордлар палатаси аъзоси:

— Буюк Британия — Ўзбекистон муносабатларининг ҳар бир соҳада янада ривожланиши учун томонларда жуда кўп имкониятлар мавжуд. Биз, албатта, уларни ишга солган ҳолда келгусида мамлакатингизда Британия сармоси иштирокида йирик лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдоримиз.

Яқинда Буюк Британия ТИВ раҳбари Дэвид Кэмероннинг Ўзбекистонга бўлиб ўтган ташрифи ҳам Лондоннинг расмий Тошкент билан икки томонлама алоқаларини янада ривожлантиришдан манфаатдорлигидан далолатдир.



Тадбир

«ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ»НИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҚИСҚАРТИРИШ МУМКИН?

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан “Яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш: муаммо ва ечим” мавзусида семинар ўтказилди.

Унда сенаторлар, вазирлик ва идоралар мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Айтилганидек, мамлакатимизда “яширин иқтисодиёт” улушини камайтириш ҳамда тенг рақобат шароитини яратиш мақсадида янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилиниши билан 84 та, кейинги йилларда эса яна 66 та солиқ имтиёзи бекор қилинди. Ўз навбатида, индивидуал имтиёзлар бериш амалиётининг тўлиқ воз кечилди.

Шуларга мос равишда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва солиқ солиш тизимини соддалаштириш, иқтисодиётга автоматлаштирилган тизимни жорий қилиш орқали “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш чоралари кўрилди. Айни чоғда иқтисодиётга солиқ юкни адолатли тақсимлаш учун 2019 йил 1 октябрдан бошлаб ҚҚС ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга, 2023 йил 1 январдан 12 фоизга пасайтирилди.



Факт ва рақамлар



ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛЛАР УЗУНЛИГИ ҚАНЧА?

Статистика агентлиги маълумотларига кўра жорий йилнинг 1 январь ҳолатига умумфойдаланиладиган темир йўллар узунлиги 4,8 минг километрни ташкил этади.

Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 2,4 фоизга ошган.

Умумфойдаланувдаги темир йўлларнинг 40,1 фоизи электрлаштирилган.

Мазкур йўлларнинг умумий узунлиги энг юқори улушга эга бўлган ҳудудлар:

- Тошкент вилояти — 19,4 фоиз;
- Қашқадарё вилояти — 16,5 фоиз;
- Самарқанд вилояти — 12,6 фоиз;
- Наманган вилояти — 10,6 фоиз;
- Сурхондарё вилояти — 10,0 фоиз.

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси раҳбарлигида ташкил этилган комиссия маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини том маънода ҳокимият институтига айлантиришни назарда тутилган лойиҳани ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

Учрашув

СПИКЕР ПОКИСТОН ЭЛЧИСИ БИЛАН МУЗОКАРА ҲАМДА МУЗОКАРА ҲАМДА МУЗОКАРА ҲАМДА

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Покистон Ислам Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Аҳмед Фарукни қабул қилди.

Учрашувда элчи Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва ташаббуси билан барча соҳада амалга ошириладиган ислохотлар, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида олиб бориладиган ишлар, янги тахрирдаги Конституция нормаларини рўйбга чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳамда Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида атрафлича маълумотлар берилди.

Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилгани, давлатларимиз ўртасидаги алоқалар нафақат икки томонлама, балки халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, парламентлараро мулоқот фаоллашгани қайд этилди.

«Халқ сўзи».

Буюк Британия Ўзбекистонда йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор

Оксфорд Ислам тадқиқотлари марказида Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги шериклик истиқболлари муҳокама қилинди

Алан ДУНКАН, Буюк Британия собиқ ташқи ишлар вазири ўринбосари:



— Ўзбекистонда кўп мартаба бўлганман. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларини яхши биланман. Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳам тўбора мустақамланиб бормоқда. Мен Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб бориладиган сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги ислохотларни юқори баҳолайман.

Ўзбекистон Президентининг конструктив ва прагматик ташқи сиёсати натижасида Марказий Осиё минтақасида яхши кўшничилик ва сиёсий ишонч даражаси сезиларли даражада ошди. Кўпбал масалалар бўйича принципиал жиҳатдан муҳим ечимлар топишга эришилганини алоҳида эътироф этиш керак.

Фарҳан НИЗОМИЙ, Оксфорд Ислам тадқиқотлари маркази директори:



— Британия — Ўзбекистон муносабатларига бағишланган мақола тадбир илмий, академик ва ишбилармон доира вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида очик мулоқот тарзида бўлиб ўтди.

Биз Ўзбекистон билан 30 йилдан кўпроқ вақтдан буён яқиндан ҳамкорлик қилиб келамиз. Сўнгги йилларда мамлакатингизда улкан ўзгаришлар кузатилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга ошириладиган кенг кўламли ислохотлар давлат ва жамият барча йўналишининг ривожланишига катта имкониятлар очиб бермоқда.

Албатта, юртингиз доимо цивилизациялар чорраҳасида бўлган. Шунингдек, Ўзбекистон жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган. Оксфорд Ислам тадқиқотлари маркази ҳам Ўзбекистон билан янги лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор.

Бен ГОВДИН, «PRISM» ташқи сиёсий тадқиқотлар маркази директори: — Ўзбекистон сўнгги йилларда улкан ютуқ ва натижаларга эришмоқда. Мен, айниқса, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлиги ва ҳамжихатлигини мустақамлашга хизмат қиладиган минтақавий сиёсатини юқори баҳолайман. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви форматини яратиш ташаббу-

си муваффақиятли амалга ошириладигани ҳам алоҳида таъкидламоқчиман. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорлигининг энг истиқболли йўналишлари — сув ресурсларини биргаликда бошқариш, экологик муаммоларни ҳал этиш ва қайта тикландиган энергия манбаларини ривожлантиришдаги ташаббуслари ҳам эътирофга лойиқ.

Муҳаммад МЕКИ, Оксфорд университети профессори:



— Бугунги тадбирда иштирок этиш ва панель муҳокамаларида Ўзбекистоннинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда имкониятларига эътибор қаратиш мен учун жуда қизиқarli бўлди.

Бугунги кунда кичик тадбиркорлик ва корхоналарнинг фаолияти ҳамда уларнинг иқтисодий стратегиялари таҳлили билан шуғулланаман. Шу боис Ўзбекистонда хусусий сектор ва молия бозорини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган муҳим ислохотлар билан яқиндан танишдим.

Мақола соҳалари ривожлантириш ҳамда иқтисодий таҳлиллар ўтказиш бўйича Ўзбекистонлик мутахассислар билан биргаликда янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалий ҳамкорликни янада мустақамлашга тайёрмиз.

Стивен КИНГ, Кэмбриж таълим ҳамкорлиги ташкилотининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича катта маслаҳатчиси:



— Сўнгги йилларда Буюк Британиянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги барча соҳада чуқурлашиб бормоқда.

Ўзбекистонда таълим тизимини модернизация қилиш йўналишида амалга ошириладиган ислохотларни юқори баҳолайман. Республиканинг барча ҳудудида Президент мактаблари ҳамда ўқитувчилар билиминин баҳолаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларини таъсис этишда ҳамкорликка тайёрмиз. Ташкилотимиз ўқитувчилар малакасини ошириш, сифат стандартларини жорий қилиш, баҳолаш ва «STEM» таълим тизими бўйича ҳамкорликни давом эттиришдан ҳам манфаатдор.

«Дунё» AA Лондон

«ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ»НИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҚИСҚАРТИРИШ МУМКИН?

Президентнинг 2019 йил 6 сентябрдаги «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари онлайн назорат-касса техникаси ёки виртуал касса тизимлари билан жиҳозланиши таъминланди.

«Халқ сўзи».

2023 йилда бюджетга қўшимча 3,6 трлн. сўм жалб қилиш имконияти аниқланиб, шундан 1,2 трлн. сўми ундирилган. Қолаверса, маркировкалаш тизими билан тегишли субъектларнинг бор-йўғи 42 фоизи қамраб олинган.

Ҳақиқатда берилган чек кўйиш бўйича ишлар ташкил этилмагани, хусусий секторда юридик шахслар томонидан иш ҳақини конверт усулида бериш тизими тус олганига ҳам урғу берилди.

«Халқ сўзи».

Сенат қўмитасида

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ВА ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ

Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда дастлаб «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ўзаро алоқалар янада кенгайди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Одиложон Тожиёв АҚШнинг Юта штати Сенати раиси Стюарт Адамс бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Мулоқот аввалида делегация аъзоларига Ўзбекистон парламенти, унинг тараққиёт йўли, Қонунчилик палатасининг йўналишлари, ваколатлари, фракциялар, қўмиталар, комиссиялар, парламентлараро дўстлик гуруҳлари фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ўз навбатида, С. Адамс Ўзбекистонда сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳада амалга ошириладиган ислохотларнинг муҳимлигини қайд этиб, айниқса, иқтисодий барқарорликни юксалтириш, хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган ютуқларни юқори баҳолади.

Конструктив раҳбарлик алоқаларини янада кенгайтириш, уни янги босқичга олиб чиқиш, қонун ижодкорлиги соҳасида таҳриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, таълим, ахборот технологиялари, тоғ-кон соҳаси, туризм ва маданий гуманитар соҳаларда қўша лойиҳаларни амалга ошириш лозимлиги қайд этилди.

«Халқ сўзи».

инвестицияларни жалб этишга қаратилган ютуқларни юқори баҳолади.

Конструктив раҳбарлик алоқаларини янада кенгайтириш, уни янги босқичга олиб чиқиш, қонун ижодкорлиги соҳасида таҳриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, таълим, ахборот технологиялари, тоғ-кон соҳаси, туризм ва маданий гуманитар соҳаларда қўша лойиҳаларни амалга ошириш лозимлиги қайд этилди.

«Халқ сўзи».

ИҚТИСОДИЙ ҲАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА БОЖХОНА ХИЗМАТИНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС

Қуйи палатанинг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан «Мамлакат иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашда божхона хизматининг ўрни» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Мамлакатимизда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш, божхона ва юк операцияларини амалга ошириш жараёнларини янада соддалаштириш, рақамли технологияларни кенг жорий қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, божхона расми йиллаштириш, маълумотларни қайта ишлаш марказлари, масофавий электрон декларациялаш پوستи, Call-марказ, таргетлаш ва ҳавфларни бошқариш бўлиmlари ташкил этилди.

Ахборот тизими хорижий давлатлар, мамлакатимиз вазири билан идоралар, ташқи иқтисодий фаолият вакиллари, авиакомпаниялар маълумотлари билан интеграция қилинди.

«Халқ сўзи».

Даромадни оширишнинг муҳим мезони

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси ҳамда Ёшлар масалалари бўйича комиссия томонидан «Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини оширишга қаратилган вазифалар ижросини таъминлашда парламентнинг ўрни» мавзусида семинар ўтказилди.



Таъкидланганидек, қишлоқ ҳўжалигида қулай агробизнес муҳити ва қўшилган қиймат занжирини яратиш, соҳа бошқарувида инвестициявий жозибадорликни ошириш ҳамда соҳага илм-фан ютуқларини жорий қилиш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

«Халқ сўзи».

ягона реестрига киритилган оилалар фарзанди, «аёллар дафтари», «ёшлар дафтари», «меҳр дафтари»га киритилган йигит-қизлар, оиласи кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа органларига бириктирилган, хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширишдан қайтган ёшларга ер ажратилиши назарда тутилган.

«Халқ сўзи».

МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТА'ЛИМИ HUDUDIIY BOSHQARUV ORGANLARI, TA'LIM MUASSASALARI, KORXONA VA TASHKILOTLAR RAHBARLARI DIQQATIGA!

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

2023/2024-o'quv yili bitiruvchilarini ta'lim muassasalari, korxonalar va tashkilotlarga ishga tavsiya etish va taqsimlash jarayoni boshlanganligini ma'lum qiladi. Universitetni bakalvriat ta'lim yo'nalishlari va magistratura mutaxassisliklari bo'yicha tamomlayotgan yosh mutaxassislar hozirgi kunda pedagogik kasbga va o'z ta'lim yo'nalishi bo'yicha qo'yilayotgan kasbiy talablarga to'liq javob beruvchi, zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalana oladigan mehnat bozori talabiga mos keluvchi yuqori malakali mutaxassis kadrlardir. Xususan, 2023/2024-o'quv yili universitetni tamomlayotgan bitiruvchilarga turli korxonalar va tashkilotlardan buyurtmalar kelib tushmoqda.

tabdirkorlik subyektlari rahbarlari talabnoma va so'rov xati orqali Buxoro davlat universiteti rahbariyatiga murojaat qilishlari mumkin. Talabnomada buyurtmachining rekvizitlari (pochta manzili, telefon raqami) hamda taklif etilayotgan lavozim to'g'risidagi ma'lumotlar to'liq ko'rsatilishi talab qilinadi. Buyurtmachilar (ish beruvchilar) <https://bkm-buxdu.uz/> havolasi orqali mavjud bo'sh ish o'rinlari e'lonlarini joylashtirish imkoniyatiga ega. Yuqori malakali kadrlarni tayyorlash va ularning bandligini ta'minlashdagi doimiy hamkorlik uchun oldindan minnatdorlik bildiramiz.

Ma'lumot uchun telefonlar: 65-221-27-49, 65-221-29-14, 90-510-50-51 (S. Hamidov) Buxoro davlat universitetining marketing va karyera bo'limi.
Manzil: 200117, Buxoro shahri, M. Iqbol ko'chasi, 11-uy, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz, s.k.hamidov@buxdu.uz

Buxoro davlat universitetining bakalvriat ta'lim yo'nalishlari kunduzgi ta'lim shakli bo'yicha 2023/2024-o'quv yili bitiruvchilari to'g'risida ma'lumot

№	Ta'lim yo'nalishlari		Jami	Shu jumladan, viloyatlar bo'yicha														Buxoro viloyati shahar va tumanlari bo'yicha													
	Shifri	Nomi		Toshkent viloyati	Qoraqalpog'iston Respublikasi	Toshkent shahri	Navoiy viloyati	Samarqand viloyati	Xorazm viloyati	Surxondaryo viloyati	Qashqadaryo viloyati	Andijon viloyati	Farg'ona viloyati	Namangan viloyati	Jizzax viloyati	Sirdaryo viloyati	Buxoro shahri	Buxoro tumani	Vobkent tumani	G'ijduvon tumani	Jondor tumani	Kogon tumani	Kogon shahri	Qorako'l tumani	Qorovulbozor tumani	Olot tumani	Peshku tumani	Romitan tumani	Shofirkon tumani		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30		
JAMI:			4417	8	15	8	202	69	43	13	69	14	21	15	18	8	626	342	353	397	446	172	97	290	40	156	321	291	383		
1	5233300	Agrobiznes va investitsion faoliyat	20				4				2						3	4	2					1	1	1	1	1			
2	5410100	Agrokimyo va agrotuproqshunoslik	34														4	6	6	3	2	2				2	2	5	2		
3	5130200	Amaliy matematika	89				2										2	1	10	12	11	9	4	10		4	9	4	11		
4	5151200	Amaliy san'at (xalq amaliy bezak san'ati va restavratsiya)	25				2										5			1	5				1	1	2	8			
5	5120400	Arxeologiya	32				1	1									1	3	2	3	4	4						5	2	3	
6	5330200	Axborot tizimlari va texnologiyalari (tarmoqlar va sohalar bo'yicha)	67				5				3						4	4	8	3	6	2	1	3		1	9	4	14		
7	5140100	Biologiya (turlari bo'yicha)	163				1	9			2	1				2	15	16	15	14	19	10	2	12	1	4	16	7	17		
8	5320500	Biotexnologiya (tarmoqlar bo'yicha)	36		1		2	1			3	3	1				2	3	3	6	4	1		1	1	4	3	3	4		
9	5111700	Boshlang'ich ta'lim va sport-tarbiyaviy ish	339		1	2	6	2	1		7	1	1	1			43	20	37	23	30	16	9	29	1	14	25	22	48		
10	5230900	Buxgalteriya hisobi va audit (tarmoqlar bo'yicha)	40	1	1		3		3								11	3	3	2			2	1	1	2	2	2	3		
11	5150700	Cholg'u ijrochiligi (xalq cholg'ulari)	52	2			5		1								3	5	2	7	6	3	4	3		2	3	6			
12	5630100	Ekologiya va atrof-muhit muhofazasi (tarmoqlar va sohalar bo'yicha)	46						1								2	6	7	5	3	1	3		5	7	4	2			
13	5120113	Filologiya va tillarni o'qitish (nemis tili)	34				1	3	2								4		6	3	3	1		1				5	2	2	
14	5120102	Filologiya va tillarni o'qitish (rus tili)	96		1	1	5	1			8	1	1				30	9	6	3	5	3	7	2	3	1		5	4		
15	5120114	Filologiya va tillarni o'qitish (fransuz tili)	47				1	1	1		1						4		1	28		1	5				2	2			
16	5120112	Filologiya va tillarni o'qitish (ingliz tili)	142			2	3				1						32	22	13	14	13	4	8	7	1	4	5	7	5		
17	5120101	Filologiya va tillarni o'qitish (o'zbek tili)	218				5	5		1	1	1		1			14	11	22	26	31	6	4	18	3	4	24	23	18		
18	5140200	Fizika	143				6	1		1	5						7	9	8	9	12	8	2	14	2	13	11	15	19		
19	5140600	Geografiya	63	1			1	4	3		2						4	1	3	8	3	2		6		2	5	7	10		
20	61010500	Gid hamrohligi va tarjimonlik faoliyati (fransuz tili)	17		1				4	1	1									8				1							
21	61010500	Gid hamrohligi va tarjimonlik faoliyati (ingliz tili)	43				1	2			1						13	8	1		6	2	2		2		2	2	1		
22	61010500	Gid hamrohligi va tarjimonlik faoliyati (nemis tili)	19				3		4		2	1	1				2	1		2							2				
23	60920100	Ijtimoiy ish (oila va bolalar bilan ishlash)	37		1		3	2	2	2	3						1	3	3	1							2	3	2		
24	5230100	Iqtisodiyot (tarmoqlar va sohalar bo'yicha)	111				3		1								18	14	13	15	15	3	4	4	2	1	8	6	4		
25	5411700	Issiqxona xo'jaligini tashkil etish va yuritish	17								1						3	3	1		4	1				3	1				
26	5140500	Kimyo	130				6	2	1		4					1	10	6	9	19	8	7		10	1	8	11	11	16		
27	5330100	Kompyuter ilmlari va dasturlash texnologiyalari	64		1		1										2	5	3	6	10	2	1	7		1	11	9	4		
28	5232500	Logistika	27			1	2	1			1	2					7	1	1	1	3	3		1	1			1	1		
29	5151700	Madaniyat va san'at muassasalarini tashkil etish hamda boshqarish	65				16	3									5	5	6	5	3	1		4	1		8	2	5		
30	5112200	Maktabgacha va boshlang'ich ta'limda xorijiy til (ingliz tili)	118		1		5										26	10	9	8	8	2	6	5	2	4	6	6	20		
31	5230400	Marketing (tarmoqlar va sohalar bo'yicha)	35				2	1	1				1				14	5	2	3	2	1			1		1	1			
32	5130100	Matematika	174				6	1		1	2						11	12	10	20	23	7	5	17	3	10	15	13	17		
33	5610200	Mehmonxonalar xo'jaligini tashkil etish va boshqarish	70	1	1	1	6		2	1			1				24	7	6		3	2	2	3		1	5	4			
34	5411000	Mevachilik va uzumchilik	19				1										3	2		4	3	1	1	1		1		1			
35	5111600	Milliy g'oya, ma'naviyat asoslari va huquq ta'limi	155		1		8	2		1	1						23	16	20	14	14	5	2	5	1	3	15	8	16		
36	5410300	O'simliklarni himoya qilish (ekin turlari bo'yicha)	49		1		5		2	1		3	1				1	4	4	1	6	6		3	2	3	2	2			
37	5112500	O'zga tili guruhlarida rus tili	290		1		16	4	3		3		1	1	1		19	16	22	20	52	6	6	32		13	24	28	22		
38	5110900	Pedagogika va psixologiya	95				2					1					13	9	8	6	10	7	3	5	1	6	7	6	10		
39	5210203	Psixologiya (amaliy psixologiya)	55		1		3	5			1		2				9	4	5	3	6	2	1	1	1	1	5	2	4		
40	5210200	Psixologiya: oila psixologiyasi	25				3										1	3	5	1	2	6	2	1			1				
41	5210200	Psixologiya: sport psixologiyasi	28					1	1								3	1	3	2	4	2	2			1	3	1	3		
42	5410500	Qishloq xo'jalik mahsulotlarini saqlash va dastlabki ishlash texnologiyasi (mahsulotlar turlari bo'yicha)	41					1	1		1		1				3		5	3	4	2	1	4	1	8	2	3	1		
43	5150801	Rangtasvir (dastgohli)	42				3	3			1						12	1	6	1	1	3	4	3			1	1	2		
44	5411600	Sabzavotchilik, polizchilik va kartoshkachilik	14														2	1			2		1	2		2	1	2	1		
45	61010300	Sport faoliyati: kurash	51				2	1									8	4	2	1	10	2	1	3	1	5	6	3	2		
46	61010300	Sport faoliyati: boks	34				1		1	1							16	2	3	3	1	3	1	1		1		1			
47	5231400	Statistika (tarmoqlar va sohalar bo'yicha)	14				1										4		1			1	1	1	</						

Соғинч

Муҳаммад ЮСУФ, Ўзбекистон халқ шоири.



ИЗҲОРИ ДИЛ

Кўхна толбешиқдан Бошланган олам. Сenga иддаолар Қилмай севаман. Бир куни синглим, деб, Бир куни онам — Ватан, Кимлигини билмай севаман!..

Тўзғийди тўнингдан Тортган тўралар. Кеча тузингни еб Сотган тўралар. Инди пушаймонда, Тўйнуқ мўралар — Мен сеинг Ёнингдан Жилмай севаман.

Менга еринг суюқ, Осмонинг суюқ. Боқсам, тенг Тўрттала Томонинг суюқ. Товонимга кирган Тиконинг суюқ — Кафтдан Зирапчанг ҳам Юлмай севаман.

Чўксанг, Тур, синглим деб, Сочинг силайман. Сўксанг, Опам дейман, Умринг тилайман. Сендан ранжимайман, Гина қилмайман — Хоҳ хўрай, Хоҳ жилмай, Бирдай севаман.

Ватан — Юрагимнинг Олампахоҳи, Бу дунё Букри бир Жийданнинг хоҳи!.. Кўзим ёши билан Сугориб гоҳи Кўксимда ўстирган Гудай севаман.

Бу ёруғ жаҳонда Йўғу боримсан, Тилимнинг остида Новот-заримсан. Сей меинг ягона Пайгамбаримсан, Мен Билол, Мен Ҳабаш — Қулдай севаман!..



КЕЛАЖАК МУҲАНДИСЛАРИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА МАМЛАКАТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ УЧУН ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Иқтисодиётнинг локомотивлари бўлган юқори технологияли компаниялар билан ҳамкорликда илгор муҳандислик мактабларини очиб, мамлакатнинг технологик, ижтимоий ва иқтисодий ривожига хизмат қиладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, инновацион маҳсулотлар қўламини кенгайтириш, таълимни ишлаб чиқаришдан олдинга олиб чиқиш ҳамда йирик корхоналар, аҳолининг ижтимоий муаммоларига технологик ечимлар топиш бўйича бугунги кунда қатор ишлар амалга оширилляпти. Хусусан, мамлакатимиз олий таълим муассасалари томонидан муҳандис кадрлар тайёрлашга эътибор кун сайин ортиб бормоқда. Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2022/2023 ўқув йили бошида Ўзбекистонда олий таълим ташкилотларида бакалаврият йўналишида тахсил олаётган талабалар сони 1 миллион 9 минг 271 нафарни ташкил этган бўлса, уларнинг 167 минг 970 нафари муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш соҳасига тўғри келган.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, кейинги йилларда энергетика ва кимё соноати соҳасида нафақат Россия Федерацияси, балки Осиё ва Европадаги қатор ривожланган давлатлар билан алоқалар янада кенгайтирилди. Шунингдек, ҳозирги вақтда ушбу минтақаларнинг кўплаб компа-

мактаблари моддий-техника, ўқув лаборатория ва ўқув-услубий базаси ривожлантирилади ҳамда илмий-тадқиқот лабораториялари, рақамли технологиялар ва суперкомпьютер марказлари очилади. Бундай мактабларда фаолият юритувчи профессор-ўқитувчилар ва олимлар, шунингдек, талабаларнинг соноат ҳамкорлари корхоналарида ҳамда хорижий илгор илмий-таълим ташкилотларида стажировка ва амалиётлар ўташлари тизимли йўлга қўйилади. Илгор муҳандислик мактаблари доирасида мавжуд таълим дастурлари соноат ҳамкорлари билан биргаликда тармоқнинг истиқболли ривожланиш стратегиялари асосида қайта кўриб чиқилади ҳамда такомиллаштирилади. Бугунги кунда инженерлик йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашда таянч олий таълим муассасаси ҳисобланган Тошкент давлат тех-

Energy” компаниясига қарашли Фанлараро ўқув маркази ва Франциянинг “Assystems” компаниясининг ўқув хоналари очилди. Шунингдек, факультетда араб мамлакатларининг “Masdar”, “ACWA Power” ва Хитойнинг “Dongfeng electric” компаниялари билан ҳамкорлик алоқалари ҳамда ушбу йирик корхоналарда профессор-

80 нафардан зиёд магистрлар мутахассислик фанлари ҳамда илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда фойдаланиб келмоқда. 2023 йил давомида олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида 106 та илмий мақола чоп этилди. Улардан 18 таси “Scopus” ва “Web of Science” базасига индексланган журналларда, 37 таси маҳаллий журналларда ҳамда 53 таси халқаро конференция тўпламларида нашр қилинди. Лаборатория қурилмаларида олинган натижалар асосида бир нафар изланувчи докторлик диссертацияси (DSc) ва 4 нафар изланувчи фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ҳимоя қилди.

Охириги бир йилда университет профессор-ўқитувчилар илмий салоҳияти 42 фойзадан 49 фойзга, “Scopus” ва “Web of Science” таълимотлар базасига кирувчи журналларда чоп этилган илмий мақолалар микдори 15 фойзга кўпайди. Шунингдек, давлат илмий-техник дастурлар доирасида умумий маблағи 8 млрд. 703 млн. 686 минг сўмлик 2 та фундаментал, 1 та амалий ва 2 та инновацион лойиҳа амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Соноат энергетика аудити амалий-ўқув маркази ташкил этилган бўлиб, ушбу марказнинг асосий мақсади энергия тежамкорлиги ва самардорлигини ошириш бўйича корхона ҳамда ташкилотларга амалий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш, мутахассисларнинг малакаларини ошириш, иқтисодиётнинг энергетика, газ-кимё, кон-металлургия ҳамда бошқа ишлаб чиқариш соҳалари учун ёш кадрларни тайёрлаш, энергия аудиторлар ва энергия сервис хизматларини олиб борувчи корхона мутахассисларининг малакасини оширишдан иборат. Марказ томонидан охириги бир йилда 568 миллион сўмлик 3 та хўжалик шартномаси муваффақиятли яқунланди. Шу билан бир қаторда, 3 та соноат корхонаси билан хўжалик шартномалари имзоланиши кутилмоқда.

Президентимиз 2022 йилги Мурожаатномасида: “...Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашни кенгайтираемиз. Кимё соноати, электр техникаси, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқаро ташкилотлар билан бирга алоҳида Муҳандислик мактаблари ташкил қилинади. Бу тизим бизда ҳозиргача бўлмаган. Лўнда айтганда, янги замон инженерлари тайёрлаш тизимини яратамиз”, деган эди. Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда замонавий иқтисодиётни технологик юксалтириш орқали бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва инсон капиталда ўсиш содир бўлишини илгари суриб келмоқда.



Хорижий тажрибадан келиб чиқадиган бўлса, ИММни ташкил этишда уч ресурс: молиявий, технологик ва инсон ресурслари, шунингдек, бир-бири билан ўзаро интеграциялашган тўрт жараён: таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ва бизнес муҳим роль ўйнайди.

Хозирги кунда илмий ишланмалар, асосан, олийгоҳда амалга ошириляётган ҳамда муҳандислик таълими фақат тегишли ОТМда берилишини инobatга олиб, илгор муҳандислик мактабларини фақат ОТМ таркибиде юридик шахс ташкил этмаган ҳолда йўлга қўйиш тақдир қилинмоқда. Бунда ИММ томонидан магистратура ва соноат (бизнес) ҳамкорларининг муҳандис ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тармоқ таълим дастурлари асосида қамраб олинади. Илгор муҳандислик

ника университетиде Энергетика муҳандислиги ва рақамли соноат илгор муҳандислик мактабини ташкил этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Охириги йилларда университетда энергетика соҳасида кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилиб, факультетда умумий қиймати 1 миллион АҚШ долларидан ортиқ хорижий ва маҳаллий компанияларнинг инвестициялари жалб қилинган замонавий лаборатория ва полигонлар очилляпти. Жумладан: Хитойнинг “Chint Electrics CO LTD” компаниясининг “10 кВт қувватдаги Фото электростанцияси” ва замонавий лаборатория хонаси, “O’zelektroapparat-Electroshield” ва “Иссиқлик электр станциялари”, “Худудий электр тармоқлари”, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ҳомийлигида лаборатория хоналари ва ўқув полигонларига асос солинди. Германиянинг “Siemens

ўқитувчиларнинг стажировкалари ва талабаларнинг амалиётлари йўлга қўйилмоқда. Хозирги кунда университетда олий таълим муассасалариордо Энергия тежовчи технологиялар, назорат-ўлчов ва автоматлаштирилган тизимлар ўқув-илмий лабораторияси, Жаҳон банки томонидан молиялаштирилган ва умумий қиймати 1,28 млн. АҚШ доллари бўлган 75 турдаги қурилмалар билан жиҳозланган илмий-тадқиқот лабораторияси ташкил этилди. Ушбу лабораториялардан 40 нафардан ортиқ докторантлар,

Мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, уларни юксак маънавиятли, эзкоқ, билимдон, юрт тақдирини ўз зиммасига олишга қодир авлод сифатида вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинди. Бундан оқилона фойдаланётган эртаимиз эгалари ўз истеъод ва салоҳиятини тўла намёнён этиб ҳамма соҳада юксак натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Бинобарин, бугунги кескин рақобат ва иқтисодий глобаллашув шароитида олий таълим тизими битирувчи кадрларининг билим сифати, уларнинг салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириш каби масалалар ўта долзарблик касб этмоқда. Ишончимиз комилки, бугунги кунда тайёрланаётган етакчи муҳандислар келгусида жонажон юртимиз саноятининг ривожланишида, халқаро миқёсда танилиши ва рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қиладди.

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ТАФСИЛОТЛАР

ТАДБИРКОРЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН ПЛАТФОРМА

Маъмур ташаббус ўтган йилнинг ноябрь ойида Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида давлат раҳбарлари томонидан билдирилган эди. Франция — Ўзбекистон иқтисодий палатаси 50 дан ортиқ француз компанияси ва тадбиркорларини ҳамда уларнинг ўзбекистонлик ҳамкорларини бирлаштиради. Икки давлат идоралари билан муносабатни мустаҳкамлаб боради, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича тавсиялар беради, тадбиркорлар манфаатини фаол ҳимоя қиладди. Палатанинг очилиш маросимида француз компанияларининг юртимизда қишлоқ хўжалиги, туризм, тоғ-кон соноати, энергетика каби йўналишлардаги фаолиятини ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

БУХОРОДА «BO'ZATOV FEST» ГОЛИБЛАРИ САРАЛАНДИ

Маълумки, 2021 йилдан буён Ёшлар ишлари агентлиги, Маданият вазирилик, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда “Bo'zatov Fest” танлови ўтказиб келинади. Танловнинг бу йилги шаҳар ва туман босқичларида голиб чиқиб вилоят босқичида иштирок этаётганлар орасида илк бор қатнашаётганлар ёки яна бир бор республика босқичида юқори ўринни қўлга киритишни мақсад қилган истеъод эгалари, халқаро танловлар совриндорлари бор. Иштирокчилар бахшчилик, опера, эстрада ва аънавий ижро йўналишида ўз истеъодини катта сахнада, жонли ижро тарзида намойиш этидлар. Танловнинг Бухоро вилояти босқичи Ёшлар марказида бўлиб ўтди. Иштирокчиларнинг чиқиллари ҳакамлар хайъати томонидан баҳолаб борилди. Яқунда эса ўз истеъодини маҳорат билан намойиш қилган учта ёш тоифасидаги йигит-қизлар саралаб олинди. Энди улар республика босқичида қатнашади.

«МЕДИАКОММУНИКАЦИЯ: ТИЛ СИЁСАТИ ВА МАДАНИЯТ»

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде “Медиакоммуникация: тил сиёсати ва маданият” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Университетнинг Маданиятларо коммуникациянинг лингвистик таъминоти кафедраси томонидан ташкил этилган тадбирда Германия, Польша, Испания, Хиндистон, Туркия, Россия, Қозоғистон каби давлатлардан соҳа мутахассислари, олимлар иштирок этди. Анжуманда миллий контентни яратиш ҳамда ривожлантиришда журналистиканинг роли ва ўрни, медиамаҳсулотларни яратишда босма, электрон оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти, социологик-вистика, тил тараққиёти, хорижий тил таълимида инновацион технологиялар масалалари муҳокама марказида бўлди.

КЛИНИКАНИНГ ЯНГИ ЖАРРОҲЛИК БИНОСИ

Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникасининг янги жарроҳлик биноси ўз фаолиятини бошлади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бунёд этилган маъмур марказ 200 ўринга мўлжалланган. Халқаро андозларга мос ушбу объектнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов, соғлиқни сақлаш вазири вазири бажарувчи Асилбек Худойеров, Санкт-Петербург шаҳри вице-губернатори Олег Өргашев иштирок этиб, янги марказ аҳолига замонавий тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга хизмат қилишини таъкидладди. Маълумотларга кўра бугун республика даражасидаги жарроҳлик амалиётларининг 240 тадан ортиги Самарқандда ҳам амалга ошириляётган. Ўтган йили вилоятдаги тиббий муассасаларда инвестиция ва маҳаллий бюджет маблағлари асосида 133 миллиард сўмлик қурилиш ҳамда реконструкция ишлари бажарилди. Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникаси қарийб 100 йиллик тарихга эга бўлиб, дастлаб республика шифохонаси сифатида фаолият кўрсатган. Бу ерда тиббиётнинг ўттиздан ортиқ йўналишлари бўйича халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган. Муассаса замонавий юқори технологияли тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Охириги уч йилда клиникада МРТ, МСКТ, рақамли рентген, сўнгги русумдаги УТТ аппаратлари ўрнатилган диагностика маркази ишга туширилди. Хорижий давлатлар билан ҳамкорликда замонавий технологияли мураккаб жарроҳлик амалиётлари йўлга қўйилди. Янги хирургик бинода маслаҳат поликлиникаси, реабилитация, офталмология, ангиохирургия ва рентгенэндоваскуляр хирургия, жигар трансплантацияси, урогинекология ва бўйрак трансплантацияси, анестезиология ҳамда реанимация бўлимлари ташкил этилди.

Абдулвазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 442. 14 591 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; қотибхизмат 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

ТАХРИРЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЪЗМАЛАР ТАҚРИБ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ. МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов. Мусаҳҳих — С. Исломов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6